

ТАСВИРИЙ САНЪАТ АСАРЛАРИНИ ТАҲЛИЛ ҚИЛИШДА ҚЎЛЛАНИЛАДИГАН МЕТОД ВА ИННОВАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИНГ ҲУРИ, ШАКЛИ ВА ВОСИТАЛАРИ ЧДПУ

Гаипова Ф.А

Тасвирий санъат ва дизайн кафедраси
ўқитувчиси

Аннотация: Сўнгги йилларда мамлакатимизда олиб борилаётган турли ислохотлар, фан соҳасига бўлган эътибор жуда қувонарли ҳолдир. Мамлакатимизда олиб борилаётган таълим ислоҳоти педагогик таълим тизимида кадрлар тайёрлаш имкониятларининг тубдан яхшиланишига, жамиятни оғишмай ривожлантириш негизига умумжаҳон таълим муҳитига мос тарзда узлуксиз педагогик таълим тизимини яратишга олиб келади. Шу сабабли ҳам инновацион технологиялар ёрдамида таълим сифатини ошириш ғояси кун тартибига қўйилган долзарб масалалардан биридир.

Тасвирий санъат таълимига инновацион (инглизча innovation- янгилик киритиш) ёндашув ғояси таълим мазмунини ва натижаларининг шахсга йўналганлиги, таълимнинг шакли ва метод ҳамда воситаларини замонавий методикалар билан ўйғунлаштиришга қаратилганлиги билан анъанавий ёндашувдан фарқ қилади. Тасвирий санъат ўқув жараёнига инновация киритишда илғор педагогик тажрибаларни ўрганиш, таҳлил қилиш, амалиётга тадбиқ қилиш ва методларни такомиллаштириш муҳим йўналишлардан ҳисобланади.

Тасвирий санъат ўқув жараёнига инновация киритишда илғор педагогик тажрибаларни ўрганиш, таҳлил қилиш, амалиётга тадбиқ қилиш ва методларни такомиллаштириш муҳим йўналишлардан бири ҳисобланади. Бу эса ўз навбатида тасвирий санъат дарсларини ташкил этишнинг самарали шакллари сифатида муаммоли маъруза, семинар- маъруза, интернет конференциялар, турли тренинглар, муаммоли ва интерфаол методлар, амалий ўйинлар ва ахборот- коммуникация технологияларидан фойдаланиш заруратини юзага чиқаради. Ўқитишнинг интерфаол методлари ҳаётий вазиятларни моделлаштириш, ролли ўйинлардан фойдаланиш, юзага келган муаммоли вазиятларни ҳамкорликда ечишда кўриб чиқилади.

Интерфаол ўқитиш ўқувчилардан фаоллик, ижодкорлик, мустақилликни шакллантиради. Бунда таҳлилнинг қуйидаги концепциялари фундаментал асос сифатида хизмат қилади:

-ўқитувчининг жадал фаолияти - ўқув фаолиятининг асосий кўриниши сифатида намоён бўлиб, у мазкур ҳаракатнинг субъекти ва ташкилотчиси сифатида фаолият кўрсатади;

-муваффақиятли ўқув фаолиятининг асосий кўрсаткичи, унинг натижаси ўқувчининг фикрлаш усулларини ўрганиш ва амалий масалаларини ижодий ҳал этиш, мустақил ҳаракат қила олиш кўникмаларини шакллантиришдан иборат;

-ўқув фаолиятининг асосий кўрсаткичи ўқув топшириқлари, вазифалари ҳисобланади. Бунда таълим жараёнининг асосий субъекти ҳисобланган талаба-ўқувчида фикрлаш, билиш ҳаракати усулларини ривожлантирувчи ўқитиш тактикаси муҳим ўрин эгаллайди;

Маълумки, мактабда ўқитишнинг хилма-хил методлари қўлланилади. Бу ерда таълим усули, ўқув материалларининг жойлашиши (ўқув, режа, дастур), таълим принциплари ва яна ўқув тарбиявий ишларнинг умумий мақсад ва вазифалари энг муҳим аҳамиятга эгадир. “Метод” сўзи грекча сўздан олинган бўлиб, “Тадқиқот йўли”, “билиш усули” маъноларини англатади. Педагогик ўқитиш методлари деганда, мактаб ўқувчиларининг билим, маҳорат ва малакаларини эгаллашида, уларнинг ижодий қобилиятларини ривожлантиришда ва дунёқарашини таркиб топтиришда ўқитувчиларнинг қўллаган иш усуллари тушунилади. Методика сўзи аввало таълим ва тарбиянинг самарали усулларини мажмуи маъносини билдиради. Тасвирий санъат ўқитиш методлари деганда ўқитувчининг ўқувчилар билан ишлаш усуллари натижасида ўқув материалларини яхши билиб олиш даражасига эришиш ва ўзлаштириш даражасини оширилиши назарда тутилади. Ҳар бир ўқитиш методлари ўқувчилар эгаллаши лозим бўлган билимларининг мазмунига монанд тарзда таълим мақсадига, ўқувчиларнинг ёш ва физиологик хусусиятларига боғлиқ. “Усул” ибораси педагогик адабиётларида тез-тез учраб туради. Ўқитиш усули - бу таълим-тарбиянинг алоҳида қисми ҳисобланиб, уларнинг йигиндиси ўқитиш методларига киради. Умумий йўналишга қаратилган маълум бир ўқитиш методлари ва усулларининг мажмуасидан ўқитиш тизими тузилади. Тасвирий санъат ўқитиш методикаси педагогик илмий фан сифатида тажрибада синалган ишларнинг назарий қисмларини умумлаштириб, амалиётда самарали натижалар берган ўқитиш методларини тақдим этади. Методика, асосан, педагогика, психология, эстетика ва санъатшуносликнинг тадқиқот натижаларига асосланади. У тасвирий санъатни ўргатиш қонун - қоидаларини таърифлаб беради, келажак авлодни тарбиялашнинг замонавий методларини белгилайди. Тасвирий санъат методикаси методика фанининг бошқа соҳалари каби умумий ва хусусий турларга ажратилади. Умумий методика - ўқув фаннинг назарий қисмини асосларига қарашли саволлари ва кўпчилик фанларга тегишли ўқитишдир. Бугунги кунда умумий ўрта таълимда ўқитиладиган фанлар қаторида тасвирий санъат фани ўқитувчилари олдида ҳам машғулотларни мукамал андоза асосида лойиҳалаш, мазкур лойиҳалардан оптимал равишда фойдалана олиш, таҳсил олувчилар томонидан назарий билимларни чуқур ўзлаштирилиши, уларда фан йўналишлари бўйича кўникма ва малакаларнинг ҳосил бўлиши ва амалиётга қўллай олиши лаёқатларини шакллантириш каби вазифалар қўйилмоқда. усул ва услубларини қўлланишларини кўриб чиқади.

Ўқитувчи тасвирий санъат дарсларида ўқувчиларни дарс мавзусига активлаштириш учун дарс мавзусининг мазмуни, ҳаётдаги аҳамияти ва қоидаларини тушунтириши зарур. Баъзида ўқитувчилар тасвирий санъат дарсларини ташкил этиш учун ўқувчиларга дарс мавзуси юзасидан своллар бериб, унга берилган жавобларни тўлдириш каби воситалардан фойдаланилади.. Ўқувчилар орасида кўриб турган нарсаларни тўғри тасвирлай оладиган хотира асосида қийналмай расм чизадиганлар билан бир қаторда, оддий тасвирга қараб нусха кўчиришга ҳам қийналадиганлар учрайди. Бу борада биз баъзи ўқувчиларнинг кўриш қобилиятининг сустлиги, ранг сезмаслиги каби бошқа ҳалларини ҳисабга олишимиз керак. Ўқувчиларнинг қобилият ва хусусиятларига қараб гуруҳларга бўлиб таълим бериш методига ўз вақтида рус педагога Ушинский ижобий баҳо берган эди. “Синф болаларини бир биридан кучли бўлган бундай гуруҳларга бўлиб ўтказиш зарур эмас”.- деб кўрсатилган эди. Гуруҳларга бўлиб ўқитиш шунинг учун қулайки, кучли ўқувчиларга қўшимча топшириқлар берилади, улар ўзларига берилган топшириқларни қийналмай бажариб туришади. Бўш, қийналадиган ўқувчилар эса ўқувчилардан ва кучли ўқувчисидан ўрганади. Бундай ўқувчилар тасвир чизишда сурункасига орқада қоладилар, натижада улар ўқишга қизиқмай қоладилар. Бу ўқиш улардан кўпроқ ақлий куч сарфлашни талаб қилади. Шуларни бартараф қилиш учун синфда олиб бориладиган индивидуал ишни айрим ўқувчилар билан олиб бориладиган индивидуал иш билан қўшиб олиб бориш керак. “Кучли” биладиган ўқувчиларга “кучсиз” билимли ўқувчиларни бириктириб қўйиш ҳам яхши натижа беради.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1 Гайпова Ф.А. Тасвирий санъат таълимининг мақсад ва вазифлари ва тарбиявий аҳамияти. “Научный импульс” Международный научный журнал. Москва., сентябрь 2022 , часть 2

2.Х.С.Акрамова. “Таълим психологияси” Современное образование 2016

3.Ростовцев Н.Н. “Методика преподавания изобразительного искусства в школе”, М.: 2000.-251с.

4.Малышева Н.В., Штыренкова Э.В. Роль дистанционных технологий в изобразительном искусстве вуза// Современные информационные технологии в управлении качеством: сборник статей IV Международной научно-прикладной конференции.-Пенза: Приволжский Дом знаний.

5.С.Ф.Абдирасилов. “Тасвирий санъат ўқитиш методикаси”.Т.: “Фан ва технология”

6.Бойметов Б.Б..Абдирасилов С.Ф. Чизматасвир. Т., “Ғафур Ғулом”, 2004.

7.Хасанов Р.Х. Мактабда тасвирий санъат ўқитиш методикаси. “ФАН” , 2004

8.Я.О.Коменский. “Великая дидактика” .М.: Наркомпрос,1939.-318с.

“МОДЕЛЬ ОБУЧЕНИЯ - ПЕРЕВЁРНУТЫЙ КЛАСС”

Ибадуллаева Малика Хамдамбек кизи